



O'ZBEKISTON OVOZI

2011-yil, 23-avgust. Seshanba 100-101 (31.377) Ijtimoiy-siyosiy gazeta 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan www.uzbekistonovozi.uz

Буюк ва муқаддассан, мустақил Ватан!



Фуқароларнинг ахборот соҳасидаги ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш масаласи инсоннинг ахборот олиш, ахборотни ва ўз шахсий фикрини тарқатиш ҳуқуқи ва эркинлигини ўзида мужассам этган бўлиб, бу Ўзбекистонда демократик жамият асосларини барпо этишнинг муҳим шарт, таъбир жоиз бўлса, тамал тоши ҳисобланади.



«Шарқ тароналари» VIII халқаро мусиқа фестивали

иштирокчилари юртимизга ташриф буюришмоқда



Соломон ГОГАШВИЛИ, Грузия:

налари» фестивалига бизни таклиф этишгач, интернет орқали у ҳақда маълумот тўпладик. Олдинги танловдаги суратларни томоша қилдик. Уларни кўриб лол бўлиб қолдик. Жуда ҳам ажойиб фестивал экан. Бутун гуруҳимиз билан тезроқ Самарқандга боришни, у ердаги тарихий обидаларни кўришни ва албатта санъат ихлосмандларига ўз чиқишимизни намойиш этишни истаямиз. Биз грузин фольклор мусиқалари асосида дастур тайёрладик. Уйлаймизки, бизнинг чиқишларимиз томошабинларга ёқади.

Гунарс ИГАУНИС, Латвия:

— Мен Ўзбекистонга тўрт кишидан иборат оила аъзоларим билан келдим. Бизнинг оилавий гуруҳимизнинг номи «Игаунс гимене» («Игаунислар оиласи»). Бу ерга илк бор келишим. Тошкент бизга жуда ҳам ёқди. Гўзал, тоза ва энг асосийси, яшил шаҳар экан. Гуруҳимиз асосан миллий кўшиқларни ижро этади. Мен ўзим зарбли мусиқа асбобларини ясайман. «Шарқ тароналари» фестивали олдида барабан яса-



дим. Ўз олдимизга биз танловда муносиб иштирок этишни мақсад қилиб кўйганмиз.



Раймундас МИКОЛАЙТИС, Литва:

учун фестиваль ташкилотчиларига раҳмат айтмоқчимиз. Қизик тарафи, самолётга чиқаётганимизда Ригада ҳаво ҳарорати 12 даража эди, Тошкентда эса 35 даража экан. Ҳавонинг иссиқлиги ҳам бизга ёқяпти. Ҳаммаси ажойиб. Фестивалда биз ўзимизнинг фольклор мусиқаларимизни намойиш этадим. Бу шунчаки фольклор эмас, модерн фольклор. Бизнинг чиқишларимиз муҳлисларга маъқул келишидан умидворимиз. Афсонавий Самарқандга тезроқ етиб боришни истайман.

«Ўзбекистон овози» мухбири Темура Абзам сўзлашди.



ЎзХДП: электорат манфаати



Муродбек ЭИЕ олган сурат.

Одамлар қувончига шерик,

уларга елкадош бўлиш масъулиятли, шу билан бирга, мароқли ҳамдир, — дейди пойтахтимиздаги «Маданият» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Фотима Жўраева.

Сергели туманидаги «Маданият» маҳалла фуқаролар йиғинига борганимизда, бир гуруҳ йигит-қизлар болалар майдончасига йиғилишган экан. Жаҳжи қизалоқнинг Ватан ҳақида баралла шеър ўқиётганини эшитиб тўхтадик.

— Биз Мустиқиллик байрамга тайёргарлик кўраямиз, — дейди Лазоқат Худойбердиева. — Маҳалламиз раиси Фотима Юсупова байрамни катта тантана билан чиройли қилиб ўтказишимиз кераклигини айтди. Шунинг учун дўстларим билан Ватанимизга бағишланган шеър-кўшиқлар ёдлаяпмиз, ракс ва сахна кўри-нишлари тайёрляпмиз.

Чиндан ҳам маҳаллада байрамга ҳозирлик қизгин кетаётган экан. Уйлар ат-

рофи ва майдончалар тозаланиб, гулу кўчатлар ўтқазилляпти...

— Маҳаллаимиз аҳли жуда фаол ва уюшқок. Ҳамма ишни бир ёқадан бош қилиб, сидқидилдан адо этади, — дейди фуқаролар йиғини раиси, ЎзХДП фаоли Фотима Жўраева. — Аҳоли кўп бўлишига қарамай, улар билан ишлаш, қувончу ташвишига шерик бўлиш, оғирини енгил қилиш мароқли. Маҳалламиздаги 25 та кўп қаватли уйда

олиб бориш тизимидаги маъкеини янада мустиқиллаш бўйича муҳим вазифаларни белгилаб берди. Биз фаолиятимизни ана шу талабдан келиб чиқиб кучайтиришга ҳаракат қилаяпмиз.

Маҳалла фуқаролар йиғини қошида ташкил этилган комиссиялар ишлари билан танишиб, бу фикрлар тасдиғини кўрдик. Худудда касаначиликни ривожлантириш, кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлаш, кексалар ҳолидан хабар олиш, йигит-қизларни катта ҳаётга тайёрлаш ҳамда хотин-қизлар бандлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

(Давоми 2-бетда.)

КОНЦЕПЦИЯ:

Хусусий тадбиркорлик ва уни ривожлантириш зарурати → 2

Ўзбекистон ва жаҳон

Тинчлик ва ҳамкорлик йўлида → 3

Чустнинг рақобатбардош маҳсулотлари

Чуст туманидаги «Styletextile» масъулияти чекланган жамиятида халқаро стандартларга мос трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда.



Мазкур корхонада Вазирлар Маҳкамасининг «2009-2012 йилларда Наманган вилоятида саноатни ривожлантириш ва ишлаб чиқаришни модернизация қилиш Дастури тўғрисида»ги қарори ижроси доирасида ўтган йили бўш турган иншоот реконструкция қилиниб, янги цех ташкил этилди.

Ўздан зиёд киши меҳнат қилаётган корхона маҳсулотлари юқори сифати ва замонавий дизайни билан ташқи бозорда ҳам хариддоригир.

Ҳотам МАМАДАЛИЕВ (ЎЗА) олган сурат.

Эътироф

Ўзбекистон ҳақида кўплаб китоблар ўқиганман. Ойнаи жаҳон орқали юртингиз манзараларини томоша қилгач, менда бу ерга келиш истағи пайдо бўлди. Тошкентга келишим билан биринчи галда Мустиқиллик майдонига бордим. Унинг тароватини таърифлашга сўз ожиз. Мазкур майдон ва ундаги Мустиқиллик ва эзгулик монументи, муҳташам бинолар ўзининг улугворлиги, кўрку салобати билан мамлакатингизнинг улкан кучқудрати ва салоҳиятини намойиш этиб турибди. Улар халқингизнинг гурури ва ифтихорини юксалтиришга хизмат қилишига шубҳа йўқ.

Яқинда халқингиз Ўзбекистон давлат мустиқиллигининг 20 йиллигини кенг нишонладиди. Ушбу тантангага катта тайёргарлик кўриляётганининг гувоҳи бўлдим. Мамлакатингизда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари бунга ёрқин мисолдир.

Альваро ЭСТЕБАН, (Испания).

Хабар

Ватанга эҳтиром

Ўзбекистон Бадий академияси Марказий кўرғазмалар залида Ватанимиз мустиқиллигининг 20 йиллигига бағишланган кўрғазма ташкил этилди.

Кўрғазманинг очилишида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, турли вазирлик ва идоралар, ижодий ва жамоат ташкилотларининг вакиллари, санъатшунос олимлар, мусаввирлар, талаба-ёшлар, санъат ихлосмандлари иштирок этади.

Истиқлол йилларида юртимизда жаҳон андозаларига мос кўрғазм муҳташам галерейлар, кўрғазма заллари, санъат масканлари қад ростлади. Тасвирий санъатга ихтисослашган ўқув марказлари, олий таълим даргоҳларининг моддий-техник базаси мустиқиллаштирилди. Мунтазам ўтказилаётган тасвирий санъат ҳафталиклари, турли ижодий анжуманлар, кўрғазмалар ва кўрик-танловлар истиқлол йилларида халқимиз эришган ютуқлар мазмун-моҳиятини, айниқса, ёшларга таъсирчан, самарали тарзда тушунтиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбек мусаввирларининг она Ватанимизга эҳтироми сифатида ташкил этилган мазкур кўрғазмада тасвирий санъатнинг барча йўналишлари, ҳайкалтарошлик, амалий санъат намуналаридан иборат беш юздан ортиқ асар томошабинлар эътиборига ҳавола этилган. Уларда гўзал Ватанимизнинг бетакрор табиати, обод шаҳар ва қишлоқларимиз, меҳнатсевар, фидойи ҳаюртларимиз, умрбоқий аънона ва кадриятларимиз акс эттирилган.

Назкат УСМОНОВА, ЎЗА мухбири.

ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI MARказий BANKINING 2011 йил 23 AVГУСТДАН БОШЛАБ ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРНИНГ СЎМГА НИСБАТАН БЕЛГИЛАГАН ҚЙМАТИ

1 Австралия доллари	1804,37	1 Миср фунти	290,84	1 СДР	2787,06	10 Жанубий Корея вони	16,01
1 Англия фунт стерлинги	2858,04	1 Канада доллари	1753,61	1 Туркия лираси	973,58	10 Япония иенаси	226,01
1 БАА дирҳами	472,18	1 Хитой юани	271,15	1 Швейцария франки	2206,85	1 Россия рубли	59,24
1 АҚШ доллари	1734,14	1 Малайзия ринггити	583,30	1 Евро	2490,36	1 Украина гривнаси	217,56

* Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.



Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари

КОНЦЕПЦИЯ:

Хусусий тадбиркорлик ва уни ривожлантириш зарурати

Мамлакатимизда ижтимоий йўналтирилган бозор муносабатлари кенг қанот ёзиши учун иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш, ички ишлаб чиқаришни кенгайтириш лозим. Бу ўз навбатида давлатимизнинг экспорт салоҳиятини юксалтиришга хизмат қилади. Албатта, бу вазифаларни амалга ошириш учун аввало мукамал қонунчилик базасини яратиш керак бўлади.

Президентимиз Ислам Каримов «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»да таъкидлаганидек, мустақил тараққиётимизнинг дастлабки босқичида, яъни 1991-2000 йилларда катта ўзгаришлар амалга оширилди. Бу даврда асосий эътибор бошқа муҳим соҳалар қатори бозор иқтисодиётининг асосларини, авваламбор, қонунчилик базасини шакллантириш учун шароит яратишга қаратилди. Ислохотлар даврида иқтисодиётни ислоҳ қилиш бўйича умумий ҳисобда 400 дан зиёд қонун қабул қилиниб, ҳаёта жорий этилди.

Ислохотлар самараси ўлароқ, мамлакатда аниқ мақсадларга қаратилган бозор иқтисодларини, иқтисодиётда чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, тармоқ ва корхоналарни янгилаш, техника қайта жиҳозлаш, рақобатбардош ва экспортга йўналтирилган янги ишлаб чиқариш корхоналарини ташкил этиш, кичик

бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш иқтисодий тараққиётга замин яратмоқда. 2011 йил — Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили деб эълон қилиниши ҳам соҳа равнақи йўлида ташланган муҳим қадамдир. Чунки шу муносабат билан хусусий мулкчиликни мустахкамлашга йўналтирилган қонун ҳужжатларини такомиллаштириш, тадбиркорликни кенгайтириш, уларнинг сони ва ялпи ички маҳсулотдаги улушини ўстириш зарурати билан таъминлаш, уларнинг муносиб даромад топиши, турмуш фаровонлиги ошиб боришига эришиш устувор вазифа сифатида белгилаб олинди. Қолаверса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, уларнинг сони ва ялпи ички маҳсулотдаги улушини ўстириш доимо диққат марказида. Шу боис ялпи ички маҳсулот таркибидан тадбиркорлик субьектларининг улуши кўпайиб, иқтисодиётни ривожлантиришда уларнинг мавқеи ошиб бормоқда. Кичик бизнеснинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 1991 йили



атиги 1,5 фоизни ташкил этган бўлса, 2000 йилда 31,5 фоизга, 2008 йилда 45,7 фоизга етди. 2011 йилда кичик бизнеснинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 54 фоизга етказиш кўзда тутилаётгани соҳа нақадар тез суръатлар билан ривожланаётганини далолат беради. Мамлакатимиз иқтисодиётини кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ҳақорати билан таъминлаш, уларнинг сони ва ялпи ички маҳсулотдаги улушини ўстириш зарурати билан таъминлаш, уларнинг муносиб даромад топиши, турмуш фаровонлиги ошиб боришига эришиш устувор вазифа сифатида белгилаб олинди. Қолаверса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, уларнинг сони ва ялпи ички маҳсулотдаги улушини ўстириш доимо диққат марказида. Шу боис ялпи ички маҳсулот таркибидан тадбиркорлик субьектларининг улуши кўпайиб, иқтисодиётни ривожлантиришда уларнинг мавқеи ошиб бормоқда. Кичик бизнеснинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 1991 йили

моллари билан тўлдирилиши ва аҳолига турли хизмат кўрсатилиши, экспорт салоҳиятининг ўсиши, аҳолини иш билан бандлиги ва реал даромади кўпайиши шу тармоқнинг нечоғли барқарор ривожланишига боғлиқ. Иқтисодиётнинг глобаллашуви туфайли жаҳон бозорида рақобат янада кучайди. Бундай шароитда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йиллик ишлаб чиқарувчиларга нисбатан кўп афзалликка эга. Чунки у капитал маблағ сарфини кам талаб қилади, илҳам, зарур таъминотларга, бозор конъюктурасининг ўзгарувчан талабларига, ҳар қандай инқирозга тез мослаша олади, давр талабидан келиб чиқиб ишлаб чиқариш қувватларини жадал модернизация қилади. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун қўлай шарт-шароит яратиш мақсадида Президентимиз қарори билан «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастури тасдиқланди. Бу ҳужжат соҳа фидойилари учун қўшимча имтиёزلар яратмоқда. Давлат дастуридан қўзланган асосий мақсад — соҳани ривожлантириш орқали ички бозорни рақобатбардош ва сифатли маҳсулотлар билан тўлдириб, янги иш ўринларини очиб, аҳоли даромадини кўпайтиришдир. «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат

дастури ўз моҳиятига кўра, мамлакатимизда янада қўлай бизнес-муҳит яратиш орқали кишиларимизга хос бўлган ички имкониятларни юзага чиқаришга, катта ҳаётининг нечоғли барқарор ривожланишига боғлиқ. Иқтисодиётнинг глобаллашуви туфайли жаҳон бозорида рақобат янада кучайди. Бундай шароитда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йиллик ишлаб чиқарувчиларга нисбатан кўп афзалликка эга. Чунки у капитал маблағ сарфини кам талаб қилади, илҳам, зарур таъминотларга, бозор конъюктурасининг ўзгарувчан талабларига, ҳар қандай инқирозга тез мослаша олади, давр талабидан келиб чиқиб ишлаб чиқариш қувватларини жадал модернизация қилади. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун қўлай шарт-шароит яратиш мақсадида Президентимиз қарори билан «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастури тасдиқланди. Бу ҳужжат соҳа фидойилари учун қўшимча имтиёزلар яратмоқда. Давлат дастуридан қўзланган асосий мақсад — соҳани ривожлантириш орқали ички бозорни рақобатбардош ва сифатли маҳсулотлар билан тўлдириб, янги иш ўринларини очиб, аҳоли даромадини кўпайтиришдир. «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат

ЎзХДП маҳаллий кенгашларида

Худудларни ривожлантириш масаласи

депутатлик гуруҳлари ва партия фаоллари муҳокамасида

«Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» ҳамда «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастурида бозор иқтисодларини чуқурлаштириш, иқтисодиётни эркинлаштириш бўйича белгиланган вазифалар жойларда изчил бажарилиши зарур. Бу жараёнда партия ташкилотлари ва депутатлик гуруҳларининг амалий иштирокини таъминлаш — долзарб масала.

Қашқадарё, Сурхондарё ва Навоий вилоят партия ташкилотларининг кенгайтирилган йиғилишларида худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш масаласи атрофлича муҳокама қилинди. Шундан келиб чиқиб, партия дастурий мақсадларини амалга ошириш, электротат манфаатини ҳимоя қилиш бўйича партия ташкилотлари ва депутатлик гуруҳлари зиммасидаги асосий вазифалар белгилаб олинди.

Олим РАВШАНОВ, Қашқадарё вилоят партия кенгаши раиси, халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги депутатлик гуруҳи раҳбари:



— Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, ўз иштини ташкил қилиш ниятидаги одамларни қўллаб-қувватлашда фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорликни изчил йўлга қўйиш бўйича тегишли чора-тадбирларни белгилаб олдик. Эндиликда туман ва шаҳар партия кенгашлари ҳамда депутатлик гуруҳлари манзилли режа асосида иш юритади.

«Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастури доирасида ҳар бир туман ва шаҳар миқёсида қатор ишлар бажарилади. Уларнинг тўла-тўқис бажарилиши аҳоли турмуш даражаси ошиши учун қўшимча имкон яратиш беради. Бундан партияимиз электротат манфаатдор. Биз аҳолига дастурлар ижроси аҳамияти ҳақида етарли тушуنча берсак, одамларнинг ижтимоий-иқтисодий фаоллиги янада ортади. Бу эса ижро ҳокимияти идоралари фаолияти устидан таъсирчан назорат ўрнатилган асосий омил бўлади.

2011-2014 йилларга мўлжалланган партияимизнинг «Харакат дастурига кўра, Нишон ва Қар»

Касби ва Шаҳрисабз туман партия кенгашлари эса ҳомашёни қайта ишлаш корхоналарини ривожлантириш ҳисобига бандлик даражасини ошириш масаласини йил охиригача сессия кун тартибига киритиш бўйича ўз режасини ишлаб чиқди. Энди уларни ўз вақтида бажариш зарур.



Иброҳим ЁҚУБОВ, Сурхондарё вилоят партия кенгаши раиси, халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати:

— 2011-2014 йилларга мўлжалланган партияимиз «Харакат дастуридан келиб чиқиб, Термиз, Шўрчи ва Қумқўрғон туманларида импорт ўрнини босувчи маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича худудий дастурлар ижроси ва истеъмол бозорини маҳаллий маҳсулотлар билан бойитиш масаласини ўрганиш кўзда тутилган эди.

Туман партия кенгашлари ва депутатлик гуруҳлари бу масалани атрофлича ўрганиб чиқишди. Ютуқлар қўламини кенгайтириш, шунингдек, юзага келаятган муаммоларни бартараф этиш учун туман Кенгашларининг навбатдаги сессияси муҳокамасига киритиш учун тегишли таклифлар тайёрланди.

Шерали УМАРОВ, Навоий вилоят партия кенгаши раиси:

«Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» мазмун-моҳиятини кенг жамоатчилик орасида тарғиб қилишда замонавий сиёсий технологиялардан унумли фойдаланишга ҳаракат қилаямиз. Бунда ижтимоий ҳамкор ташкилотлар ва фуқаролик жамияти институтлари билан изчил алоқа яхши самара берапти. Бу, айниқса, бошланғич партия ташкилотлари, умуман, аҳоли вакиллари орасида ташкил қиларганимиз, уларни ўйлан-тираётган масалаларни чуқур билишимиз ва амалий ечимини топиш учун маҳалла ҳаётига яқин бўлишимиз керак.

Гулрўх ОДАШБОВА, «Ўзбекистон овози» мухбири.



нуктаи назардан ташкил қилиб, масалага жиддий эътибор қаратиб келаямиз. Бу жараёнда, «Фаол аёллар» ва «Истикбол» ёшлар қаноти фаолиятини тубдан такомиллаштириш ниятидамыз. Уларнинг сафига ижтимоий-сиёсий дунёқараши кенг, уйғоқ фикрли ёшларни кенг жалб этсак, бу яхши самара бермай қолмайди. «Ўзбекистон овози» мухбири Элмурод ЭГАМҚУЛОВ ёзиб олди.

ЎзХДП депутатлик гуруҳи ташаббуси билан

Инқирозга қарши чоралар дастури ижроси

вилоят Кенгаши сессиясида муҳокама қилинди

Халқ депутатлари Қашқадарё вилоят Кенгашининг тўртинчи сессиясида «Инқирозга қарши чораларнинг 2009-2012 йилларга мўлжалланган дастурининг бажарилиши борасида амалга оширилган ишлар тўғрисида»ги масала кўриб чиқилди. Бу масала вилоят Кенгашидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳи ташаббуси билан сессия кун тартибига киритилган эди.

Сессияда вилоят ҳокими ўринбосари Мухтор Хайитмуродовнинг мазкур масала бўйича ахбороти тингланди. Айтиш кераки, Олий Мажлис Сенатининг «Инқирозга қарши чораларнинг 2009-2012 йилларга мўлжалланган дастурини сўзсиз бажариш борасида маҳаллий ҳокимият органларининг роли ва масъулиги тўғрисида»ги қарори бўйича вилоятда муайян ишлар амалга оширилган. Хусусан, ўтган йил вилоят иқтисодиётининг барча тармоқларида сезиларли ўсиш бўлди. Ялпи худудий маҳсулот ҳажми 4865,1 миллиард сўмни ташкил этди. Шунингдек, янги корхоналарни ишга тушириш ва модернизация қилиш ҳисобидан 4440 та янги иш ўрни яратилди. Саноат корхоналарида банд аҳоли 79 миң кишини ташкил этмоқда.

Мавжуд муаммоларни бартараф этиш учун ишлаб чиқариш ҳажмининг кенгайтириш, аҳолининг турли маҳсулотларга бўлган эҳтиёжини етарли даражада қондириш зарур. Бозор иқтисодларини янада чуқурлаштириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга муносиб ҳисса қўйиш керак. Бу борада, табиийки, маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик гуруҳлари фаол ва ташаббускор бўлиши, худудий ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари ижроси устидан депутатлик ва жамоатчилик назоратини кучайтириши лозим.

Утган даврда инқирозга қарши чора-тадбирларнинг амалга оширилишини мониторинг ва назорат қилиш бўйича етарли даражада амалий иш олиб борилмади, — деди депутат Акрам Акбаров. — Қолаверса, кичик бизнес субьектлари томонидан маҳсулотлар экспортини амалга ошириш, маҳаллий хомашё неғизидан маҳсулот ишлаб чиқариш масаласида Респуб-

ЎзХДП: электротат манфаати

Одамлар қувончига шерик,

уларга елкадош бўлиш масъулиятли, шу билан бирга, мароқли ҳамдир, — дейди пойтахтимиздаги «Маданият» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Фотима Жўраева.

Кишиларнинг иш билан банд бўлиши, ўз меҳнати орқасидан даромад топиши турмуш тўқислигига эришишда катта аҳамиятга эга. Мунира Сулаймонова кўп йиллардан буён касаначилик билан шуғулланади. Жонқуняду бу аёл турмуш ўртоғи вафотидан сўнг кўрпа-ёстиқ тикиб, шу ҳунар орқали рўзгор тебратган. 9 нафар фарзандини улғайтириб, уйлajoйли қилапти. Яқинда у ўз ишини янада кенгайтириб, оливий тадбиркорлар қаторига қўшилди.

— Шунинг учун маҳаллада фарзанд тарбия қилишга оид давра суҳбатларини тез-тез ташкил қилаймиз. Ҳар бир оилада соғлом турмуш тарзини шакллантиришга қаратилган тадбирларимизга ижтимоий ҳамкор ташкилотлар мутахассислари ва ЎзХДП фаолларини кенг жалб қилаямиз. Бу, тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтиришда яхши самара берапти.

Касаначиликни ривожлантириш комиссиясига Матлуба Асманова мурожаат билан келди. У бир неча йилдан буён тикувчилик билан шуғулланади. Келгусида кичик цех очиб, фаолиятини кенгайтириш, шу орқали маҳаллада яшовчи хотин-қизларни иш билан таъминлаш ниятида экан. Айни пайтда мазкур мурожаатга ечим топиш бўйича маҳалла фуқаролар йиғини фаоллари амалий иш олиб боришапти. — Инсон ҳаётда ўз ўрнига эга бўлиши, катта мақсадларга эришиш йўлида ҳаракат қилиши, бунинг учун болалиқдан тўғри тарбия олиши керак, — дейди маҳалла фаоли Яшин Омаров.

Маҳаллада Ўзбекистон халқ демократик партияси дастурий мақсадларига ҳайрихоҳ кишилар талайгина. — Туманда 33 та маҳалла фуқаролар йиғини бор, — дейди Сергели туман партия кенгаши раиси Шоира Ходжаева. — Биз худудий партия ташкилотлар фаолиятини кучайтиришга алоҳида эътибор бераймиз. Чунки партияимиз электротат вакиллари асосан маҳаллаларда яшайди. Аҳоли орасига кириб боришимиз, уларни ўйлан-тираётган масалаларни чуқур билишимиз ва амалий ечимини топиш учун маҳалла ҳаётига яқин бўлишимиз керак.

(Даоми. Боши 1-бетда.)

Музаффар ТУРОПОВ

Обод манзиллар

Бугунги қишлоқ

унинг қиёфаси, аввалги қишлоқлардан афзаллиги тўғрисида мулоҳазалар

Жиззах вилоятининг мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётида ўз ўрни ва мавқеи бор. Бугун вилоят аҳлининг тўртдан уч қисми қишлоқда яшайди. Мавжуд 350 дан зиёд қишлоқ одамларининг турмуш тарзи, уларга яратилган шарт-шароит ва қулайликлар тўғрисида, жуда кўп гапириш мумкин.

Тўғри, собиқ иттифоқ даврида шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги тафовутни йўқотиш борасида кўп-кўп гаплар бўлди, қарорлар қабул қилинди. Аммо орадан неча йиллар, ўн йиллар ўтишига қарамай, ўртадаги тафовут кўпайса кўпайдики, камаймади. Қишлоқ қишлоқлигича қолди, унда яшайётганлар эса шаҳарликларга, уларнинг турмушига ҳавас қилиб келди.

Мамлакат Мустақил бўлди. Ўртимиз бўйлаб озодлик шабадалари эса бошлади. Шундан кейин қишлоққа том маънода эътибор қаратилди. Фақат Истиқлол шарофати туфайли шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги фарқни, шаҳарлик билан қишлоқлик фўқаро турмуш тарзидаги тафовутларни йўқотишга киришилди. Белгиланган Давлат дастурлари бўйича энг чекка қишлоқларнинг аҳолисини ҳам тоза ичимлик суви ва табиий газ билан таъминлаш чора-тадбирлари кўрилди. Уларга элтадиган йўллар, коммуникация тармоқлари мукамал таъмирланди. Кўплаб қишлоқларда замонавий мактаблар, касб-хунар коллежлари, академик лицейлар, спорт мажмуалари, ижтимоий инфратузилма объектлари қурилди. Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилда эса бу ишлар янада кенг кўлам касб этди.

Мустақиллигимизнинг ўн саккизинчи йилга келиб бу борада юртимизда яна бир муҳим қадам қўйилди. 2009 йилнинг 3 августид

Юртбошимиз «Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» қарор қабул қилди. Бу қарор қишлоқ жойларда намунали лойиҳалар асосида уй-жойлар қуриш ва қурилиш материаллари ишлаб чиқарадиган корхоналарни ҳудудларнинг ўзида барпо этишни янада жадаллаштириш, шу тариқа қишлоқ билан шаҳар ўртасидаги тафовутга узил-кесил барҳам беришда муҳим дастуриламал бўлмоқда.

Илҳом Уролбоев — «Қишлоқ-қурилишнинг иختисослашган шўъба инжиниринг компанияси Жиззах филиали етакчи мутахассиси:

— Қарор чиққач, вилоятимизнинг қишлоқ жойларида танланган лойиҳалар асосида 60 та уй-жой қурилди. Утган 2010 йили қишлоқларимиз аҳолисини 325 та замонавий уй-жойларнинг қалити топирилди. Жорий йилда эса қурилиш кўлами янада кенгайиб, 360 та ёки лойиҳа-смета қиймати 26 миллиард сўм бўлган пишиқ ва кўркям янги уй-жойлар барпо этилаётир. Айни пайтда қишлоқ туманларининг танлаб олинган 22 та майдонда қуриб битказилаётган намунали уйларда сўнгги пардозлаш, теварак-атрофни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари бажарилаяпти. 41 та пудратчи ташкилот таркибид

да 3 минг нафарга яқин курувчи кечаю кундуз меҳнат қилаётир. Бу ишларга уй-жойлар қурилиши со-

ҳасида катта тажрибага эга корхона ва фирмалар, малакали мутахассислар жалб этилган.

Абдурахмон Ропиев — «Ўрта Осиё меъмор» кўп тармоқли хусусий фирмаси раҳбари:

— Ишчиларимиз ўтган олти йил ичида 3 та умумтаълим мактаби, 2 та касб-хунар коллежи, 1 та қишлоқ врачлик пункти, 2 та спорт иншооти қуриб, фойдаланишга топширди. Бултур Бахмал туманида намунали лойиҳа асосида 20 та уй-жой барпо этдик. Бу йил Жиззах туманининг Тоқчилик қишлоғида 22 та янги уй-жой қураямиз. Ҳозир пардозлаш ишларини тугатдик. Эндиликда атрофни тартибга келтириш, кўкаламзорлаштириш, янги кўчалар четини ободонлаштириш ишлари охирига етказилмоқда. Уларда шаҳардаги уйлар сингари ҳамма қулайликлар, шарт-шароит бор. Шинам меҳмонхона, айвон, катталар ва болалар учун хоналар, ошхона, саранжом-саришта ҳовли-жой, қисқаси, ўзбек оиласи учун нима зарур бўлса, барчаси лойиҳада, шунингдек, қурилиш жараёнида инноватга олинган.

Барчиной Қосимова — Бахмал тумани «Оқтош» массивидаги намунали уй-жой эгаси:

— Уй бекасман. Ёш болаларим бор. Аввал кичикроқ уйда турардик. «Қишлоққурилишбанк» деган банкдан имтиёзли кредит олиб, беш хонали намунали уйга кўчиб ўтдик. Бу ердаги шарт-шароитни кўриб, аввалига кўзимга ишонмадим. Ошхонадаги жўмрақни шундоқ бурасангиз, сув оқиб турибди. Газни ёқсангиз, бир зумда махсус мослама уйни иситиб бераёпти. Болали оилалар учун бу жуда муҳим. Хоналар кенг, ёруғ, шинам. Пойдевори

банд, деворлари пишиқ гишдан. Канализация ишлаб турибди. Иситиш тизими алоҳида. Ҳовлига, теварак-атрофга дов-дарахт, турли гуллар экиб қўйилган. Биз — қишлоқ халқига, айниқса, аёлларга яратилган бундай қулайликдан беҳад миннатдоримиз.

Ҳаким Назовов — Мирзачўл туманидаги «Ипак йўли» қишлоқ фўқаролар йиғини оқсоқоли:

— Қишлоғимизда намунали лойиҳа асосида 16 та уй-жой қурилди. Уларга кўчиб кирган ҳамқишлоқларимнинг қувончини кўрсангиз эди. Бутун оламда иқтисодий инқироз ҳукм сурган, манаман деган корхоналар касодга учраётган даврда миллиард-миллиард сўм топиб, бизга шундай уй-жойлар қуриб бераётган Юртбошимизга, ҳукуматимизга раҳмат! Яна бир гап. Қишлоқларда қад ростлаётган янги уй-жойлар ёнида замонавий инфратузилма шохобчалари, мактаблар, қишлоқ врачлик пунктлари, болалар спорт майдончалари, автобекатлар, равон йўллар, супермаркетлар, болалар боғчалари ҳам қурилаётгани юрт ободлиги ва аҳоли фаровонлигига хизмат қилаётир...

Мансур Ялғашов — Дўстлик тумани меъмори:

— Намунавий лойиҳани тайёрлашда, ҳатто шамол йўналиши, иссиқ ва совуқ ҳаво оқими, йўл ва йўлаклар, автомобиль учун жой, болалар уйнайдиган майдонча, меҳмон кутиб, болалар ва ўсмирлар учун алоҳида-алоҳида хоналар, ёзги айвон, томорқа, гулзор, токи тандирхонагача ҳисобга олинган. Бундай бекаму кўст уй-жойда истиқомат қилишнинг ўзи бир бахт.

Зафар Салимов — «Усмант гишт» масъулияти чекланган



жамият раҳбари:

— Корхонамиз Россия технологияси асосида пишиқ гишт ишлаб чиқаради. Яқинда эшик-ром ва кафел тайёрлашни йўлга қўймоқчимиз. Маҳсулотларимиз янги уй-жойлар учун ишлатилаётганидан, қишлоқ одамлари учун ажойиб уйлар қуриб беришда иштираётганимиздан хурсандимиз. Қурилиш материаллари ўзимизда ишлаб чиқарилиши маҳсулот таннархини арзонлаштириб қолмай, қанча одамнинг ишли бўлишига, бу соҳа шаклланишига, қишлоқ меъморчилик мактаби янги босқичга кўтарилишига хизмат қилмоқда...

Истиқлолнинг йигирма йиллигига санокли кунлар қолган айни дамларда вилоятда бу қутлуғ айёмга ҳар томонлама пухта ҳозирлик кўрилаяпти. Амалга оширилаётган бунёдкорлик, яратувчилик, ободончилик ишларини санаб, адоғига етиш қийин. Бу ишлар қаторида қишлоқларда намунали лойиҳа асосида қад ростлаётган кўркям ва замонавий уй-жойлар алоҳида ўрин тутди. Улар бугунги қишлоқларимизнинг қиёфасини тубдан ўзгартириб юбораёпти, нафақат қишлоқларнинг, балки одамларнинг тушунчаси, дунёқараши ва турмуш тарзини ўзгартишга, ўз уйи, маҳалласи, қишлоғи ва она

юрти билан фахрланишга хизмат қилаёпти. Қолаверса, шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги тафовутни йўқотмоқда.

Бугунги қишлоқ. Кўрки, файзи, таровати ўзгача. Уни бундан 20-30 йил олдинги, ҳатто 15-20 йил аввалги қишлоқ билан қиёслаб, солиштириб бўлармикан? Лойсувоқ ва пастқам, пойдевори нураб турган уйлар ўрнида пишиқ гиштдан тикланган, томи черепицали, олди пешайвонли замонавий уй-жойлар қад кўтарди.

Эгри-бурги, ўйдим-чуқур, чанг-тупроқли кўчалар ўрнида кенг, равон асфальт йўллар ва йўлчалар барпо этилган. Гулу гулзорли, дов-дарахтли, райҳон иси гуркираб турган ораста ҳовли-жойлар ҳавасингизни келтиради. Ёзда салкин, қишда иссиқ, баҳаво хоналар. Замонавий коммуникация тизимига эга, меъморий ечими бутунлай ўзига хос ва мафтункор, миллий меъморчилигимиз ютуқларини ўзида мужассам этган замонавий қишлоқ бу!

Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Реклама ва эълонлар



Қорақалпоғистон Республикаси «Пахтасаноат» ҳудудий акциядорлик бирлашмаси жамоаси



ҳамюртларимизни Истиқлолимизнинг йигирма йиллиги билан табриклайди!
Дастурхонларимиз тўкин, ҳаётимиз файзли бўлсин, азиз дўстлар!



«Урганч-ёғ»

ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

Юртдошларимизни мамлакатимиз Мустақиллигининг 20 йиллик шодиёнаси билан табриклайди!



Ватанимиз осмони мусаффо, эл-юртимиз тинчлиги абадий бўлсин!



Истиқлол байрами-муборак, азизлар!



Реклама ва эълонлар



«Ўзпахтасаноат» уюшмаси жамоаси

**Халқимизни Мустақиллигимизнинг
20 йиллиги билан муборакбод этади!**



*Бободехқонларимизнинг, оловқалб
фермерларимизнинг
бу йилги пахта ҳосилига
барака тилаймиз!
Улар осмонўпар хирмон
кўтаришига тилакдошимиз!*



Байрам муборак, азизлар!



*Истиқлол инояти бўлган Термиз давлат
университетининг устоз ва мураббийлари ҳамда
талабалари халқимизни буюк сана —
Ватанимиз Мустақиллигининг
20 йиллиги билан табриклайди.*

Янги замон шарофати ва Президентимиз эътибори билан
мазкур даргоҳ ўзгача кўрк ва тароват касб этди.

Ёшларга қаратилаётган алоҳида ғамхўрлик боис,
жамоа улкан ютуқларни қўлга киритмоқда.

Бу эса мамлакатимиз янада ривож
топиши йўлида ташланган яна бир муҳим қадамдир.

Истиқлол муборак, азиз юртдошлар!



Термиз давлат университети
жамоаси ва маъмурияти.



**Хоразм вилояти
«Шовот DON
МАХСУЛОТЛАРИ» ОЧИК
АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ**

Халқимизни, шунингдек, мўл-қўл ғалла хирмони
уйган бободехқонларни
энг улуг, энг азиз байрам —
Мамлакатимиз Мустақиллигининг
20 йиллик айёми билан муборакбод этади!

Мустақиллигимиз абадий бўлсин!



Реклама ва эълонлар



«АГРОБАНК»

ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ ЖАМОАСИ

*барча юртдошларимизни яқинлашиб
келаётган энг улуғ ва энг азиз байрам —*

**ИСТИҚЛОЛНИНГ
20 ЙИЛЛИГИ**

билан муборакбод этади!

**Тинчлик, фаровонлик, аҳиллик
бардавом бўлсин!**

«НАВОИЙ ЭЛЕКТРКИМЁ ЗАВОДИ»

ЁАЖ қўшма корхонаси жамоаси

*халқимизни Ватанмиз
Мустақиллигининг 20 йиллиги билан
муборакбод этади!*

*Истиқлол — улуғ неъмат. Уни кўз қорачиғидек
авайлаб-асраш, авлодларимизга озод ва обод Ватан
қолдириш ҳаётимиз маъно-мазмунига айлансин!*

**Ўзбекистонимизнинг
ИСТИҚЛОЛ БАЙРАМИ БАРЧАМИЗГА
МУБОРАК БЎЛСИН!**

**20
йил**



«ШЎРТАНГАЗКИМЁ»

мажмуаси жамоаси

барча юртдошларимизни,
нефть ва газ саноати ходимларини
ЭНГ улуғ, ЭНГ азиз байрам —
Мустақиллигимизнинг 20 йиллиги
билан муборакбод этади!

Юртимиздан файзу барака аримасин,
хонадонимизни шоду хуррамлик
ҳеч қачон тарк этмасин!

Қутлуғ кунларда барча эзгу
тилакларимиз ижобат бўлсин!

**ОНА ДИЁРИМИЗНИНГ
МУСАФФО ОСМОНИ УЗРА
ҲУРРИЯТ ҚУЁШИ
АБАДИЙ НУР СОЧИБ
ТУРСИН!**


MUASSIS:


O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: **Safar OSTONOV**

TAHRIR HAY'ATI:

Abdulla ORIPOV
Latif G'ULOMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Murodulla ABDULLAYEV

Ulug'bek MUSTAFOYEV
Tat'yana KISTANOVA
(Bosh muharrir o'rinbosari)
G'affor HOTAMOV
(Bosh muharrir o'rinbosari)

Muslihiddin
MUHIDDINOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad
RAHIMOV

BO'LIMLAR:

Partiya hayoti — 233-10-13; Madaniyat va sport — 233-69-45;
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 233-44-55;
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot — 233-12-56;
Reklama va e'lonlar — 233-38-55, 233-47-80;
Kotibiyat — 233-72-83, 236-55-17.

MANZILIMIZ:

100000, Toshkent,
Matbuotchilar
ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot
agentligida 0006-raqam bilan
2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.
«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxonaning manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba

kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini
ko'chirib bosish faqat tahririyat
ruxsati bilan amalga oshiriladi.

e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Г — 846

10895

nusxada

bosildi.

Sotuvda erkin narxda

t — Tijorat materiallari

Topshirish vaqti — 21.00

O'ZA yakuni — 21.00

Topshirilgan vaqti — 00.20

Navbatchi:

Erkin XOLBOBOYEV

Sahifalovchi-dasturchilar:
Sobirjon TUNG'ATOV,
Zafar BAKIROV

ISSN 2010-7433



1 2 3 4 5